

**Юридик хизмат кўрсатиш марказларига ишга қабул қилиш бўйича танловда
иштирок этадиган номзодга бериладиган саволлар рўйхати**

**I. КАСБ ФАОЛИЯТИГА БОҒЛИҚ БЎЛГАН ҚОНУНЧИЛИК СОҲАСИ БЎЙИЧА
САВОЛЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги ПҚ–5168-сон қарорининг асосий мазмуни ва моҳиятини гапириб беринг.
2. Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарорига асосан юридик хизмат ходимларига қандай имтиёзлар яратилган?
4. Юридик хизмат кўрсатиш марказларининг асосий вазифалари ва функцияларини гапириб беринг.
5. Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларга сифатли ва малакали юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги функцияларини айтиб беринг.
6. Юридик хизмат ходимининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишдаги иштироқи.
7. Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш соҳасидаги функцияларини айтиб беринг.
8. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг турлари ва шакллари.
9. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси ва турлари.
10. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати.
11. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга расмий шарҳ бериш тартиби.
12. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш тартиби.
13. Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳасидаги функцияларини айтиб беринг.
14. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси деганда нима тушунилади?
15. Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг мулкӣ ҳамда бошқа ҳуқуқ ва қонунӣ манфаатлари ўз вақтида, ҳар томонлама ва самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги функцияларини айтиб беринг.
16. Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тушунтириб беринг.

17. Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг қонуний ҳамда ҳар томонлама пухта ва сифатли бўлишини таъминлаш соҳасидаги функцияларини айтиб беринг.

18. Юридик хизмат кўрсатиш марказларининг ҳуқуқларини айтиб беринг.

19. Юридик хизмат кўрсатиш марказларининг мажбуриятларини айтиб беринг.

20. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунга асосан вояга етмаган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари.

21. Лингвистик экспертиза ва лойиҳаларни лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби?

22. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорларни қайта кўриб чиқиш.

23. Ижтимоий шериклик нима? Унинг давлат хусусий шерикчилиги билан ўзаро фарқи.

24. Парламент назорати деганда нимани тушунасиз?

25. Давлат бошқарув органи ҳамда хўжалик бошқарув органларининг ўзаро фарқи.

26. Ҳуқуқий экспертиза нима?

27. Медиация тушунчасига таъриф беринг.

28. Юридик хизмат кўрсатиш марказларининг ходими томонидан шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, суд процессларида вакил сифатида қатнашиш тартиби қандай?

29. «E-huquqshunos» электрон тизимидан фойдаланиш юридик хизмат ходимига қандай имкониятлар яратади?

30. Юридик хизмат кўрсатиш марказларини асосий йўналишлари нималардан иборат?

31. Фуқаролик қонун ҳужжатларини вақт бўйича амал қилиши.

32. Юридик шахс тушунчаси ва турлари. Унинг ҳуқуқ лаёқати.

33. Ашёвий ҳуқуқ нима? Унга нималар киради?

34. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари?

35. Битим тушунчаси, турлари ҳамда шаклларини айтиб беринг.

36. Битим ва шартномаларнинг фарқли жиҳатларини айтиб беринг.

37. Даъво муддати тушунчаси.
38. Эмансипация тушунчаси.
39. Мажбурият тушунчаси ва мажбуриятнинг тарафлари.
40. Даъво муддатини жорий қилишга қўйиладиган талабларни санаб ўтинг.
41. Гаров тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари.
42. Субсидиар жавобгарлик деганда нима тушунилади?
43. Национализация нима? Унинг реквизициядан фарқи нимада?
44. Муаллифлик ҳуқуқи объекти ва унинг турлари.
45. Фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда муомала лаёқати.
46. Ходимнинг асосий меҳнат ҳуқуқларига нималар киради?
47. Меҳнат шартномаси тушунчаси.
48. Меҳнат шартномаси қандай шаклда ва қандай муддатга тузилади?
49. Жамоа шартномаси тузиш тартиби.
50. Ишга қабул қилишда дастлабки синов муддати тушунчаси ва дастлабки синов муддати кимларга татбиқ этилмайди?
51. Қайси сабаблар (асослар) мавжуд бўлганда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли ҳисобланади?
52. Меҳнат шартлари деганда нима тушунилади, қайси ҳолларда иш берувчи меҳнат шартларини ходимнинг розилигисиз ўзгартиришга ҳақли?
53. Меҳнат шартномасини бекор қилиш юзасидан огоҳлантириш бериш тартиби.
54. Қайси ҳолларда меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганида касаба уюшмаларининг розилиги олинмайди?
55. Меҳнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши.
56. Меҳнат қонунчилиги бўйича аёлларга берилган имтиёзлар.
57. Интизомий жазо чораларининг турлари ва интизомий жазонинг амал қилиш муддати.
59. Меҳнат қонунчилиги бўйича йиллик асосий таътил бериш тартиби.

60. Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари деганда нимани тушунасиз?
61. Хўжалик шартномаси тушунчаси.
62. Хўжалик шартномасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби.
63. Контрактация шартномаси тушунчаси.
64. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси ва унинг шакли.
66. Мулк ижараси шартномаси ва унинг объектлари тушунчаси.
67. Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси тушунчаси.
68. Корхонани ижарага бериш шартномаси тушунчаси.
69. Лизинг шартномаси, унинг объекти ва субъектлари.
70. Қурилиш пудрати шартномаси нима?
71. Кредит шартномаси ва унинг шакллари.
72. Олди-сотди шартномасининг субъектлари кимлар?
73. Ҳадя шартномасига таъриф беринг.
74. Айирбошлаш шартномаси нима?
75. Рента шартномаси субъектлари кимлар?